

**ҲИЗБ УТ-ТАҲРИРИНИГ
ЎЗГАРТИРИШДАГИ
МАНҲАЖИ**

**Бу 24.05.1410 хижрий 22.12.1989 мийлодий
Американинг Миссури штатида чақирилган
«Муслмон талабалар робитаси» қурултойида
Ҳизб ут-Тахрирнинг вакили сўзлаган нутқнинг
матни**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Пайғамбарларнинг саййиди, тақводорларнинг раҳбари Муҳаммад (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га, оилаларига, саҳобаларига, У зотнинг даъвати билан даъват қилган, тариқатига сўзсиз амал қилган, У зотнинг изидан юрган ҳамда Ислом ақидасини ўзининг фикратига асос, шаръий аҳкомларни ўз ишларига андоза ва ўз ҳукмларига манбаъ қилиб олган кишиларга Аллоҳнинг раҳмати ва саломлари бўлсин!

Азиз биродарлар!

Сизларга Ислом саломи билан салом йўллаймиз. Сизларга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти ёғилсин. Аллоҳ Таолодан ушбу йиғилишимизни Ўз розилиги йўлидаги холис йиғилишга айлантиришини ва шу йиғилишимиз Ислом ва мусулмонларга эзгулик келтиришини сўраб қоламиз.

Шунингдек, Аллоҳдан қалб кўзларимизни очиб, ҳақиқатнинг ҳақиқатлигини ва ботилнинг ботиллигини кўрсатмоғини ҳамда ҳақиқатга эргашишга ва ботилдан йироқ бўлишга насибадор қилмоғини сўраймиз.

Азиз биродарлар!

- Бутун оламдаги мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала Халифалик Давлатини тиклаб мусулмонларга Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатига биноан байъат бериладиган халифа сайлаш орқали Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтармоқдир. Токи Халифа куфр қонунларини парчалаб, уларнинг ўрнига Ислом аҳкомларини татбиқ ва ижро қилсин; исломий юртларни

Ислом диёрига ва улардаги жамиятни исломий жамиятга айлантирсин ҳамда Исломни бутун оламга рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйсин.

Мусулмонларнинг тақдирини ҳал қиладиган масалани белгилаб олиш билан Ислом даъватини ёйишни ўз зиммасига олган уюшма, ҳизб ва жамоатлар шаклидаги кишилар амалга ошириш учун ҳаракат қилишлари вожиб бўлган мақсад аниқ бўлади. Шунингдек, улар шу мақсадни амалга ошириш учун босиб ўтишлари вожиб бўлган тариқат ҳам аниқ бўлади.

- Буни англаш учун мусулмонларнинг бугунги кундаги воқелигини, исломий юртларнинг ва улардаги диёрнинг воқелигини, шу кунларда мусулмонлар яшаётган жамиятнинг воқелигини ва уларнинг ҳар бирига тааллуқли шаръий аҳкомларнинг воқелигини билмоқ лозим.
- Мусулмонларнинг воқелигига келсак, улар мусулмон бўлишларига қарамай улар устидан исломий, ғарбий, социалистик, миллатчилик, ватанпарварлик, иқлимчилик ва тоифий мазҳабпарастлик фикр ва туйғуларидан иборат аралаш-қуралаш фикр ва туйғулар ҳукмронлик қилмоқда.
- Исломий юртлар, шу жумладан араб юртларига келсак, афсуслар бўлсинки, уларнинг барчаси куфр қонун ва ҳукмлари билан бошқарилмоқда. Фақат никоҳ, талоқ, нафақалар, мерос, оталик ва фарзандлик масалаларидагина исломий аҳкомлар қўлланмоқда. Бунинг учун махсус маҳкамалар ташкил этилиб, уларга шаръий маҳкамалар деган ном берилди. Шунингдек Саудия ва Эронга ўхшаш мусулмонларнинг баъзи юртларидаги маҳкамаларда бошқа баъзи бир шаръий ҳукмлар ҳам татбиқ қилинмоқда.
- Бугунги кунда ер юзининг барча қитъаларида

мусулмонлар яшаётган диёрнинг воқелигига келсак, у Ислом диёрининг воқелиги эмас, балки куфр диёрининг воқелигидир.

Буни англаб олиш учун шаръий истилоҳдаги Ислом диёрининг воқелигини ва куфр диёрининг воқелигини билиш зарурдир.

- Шаръий истилоҳда Ислом диёри Ислом аҳкомлари асосида бошқариладиган ҳамда хавфсизлиги Ислом ҳимоясида бўлган, яъни ички ва ташқи ишлари мусулмонларнинг салтанати ва ҳимоясида бўлган диёрдир, гарчи аҳолисининг кўпчилигини ғайримусулмонлар ташкил этса ҳам.

- Аммо куфр диёри шаръий истилоҳда куфр ҳукмлари билан бошқариладиган ҳамда хавфсизлиги Ислом ҳимоясида бўлмаган, яъни мусулмонларнинг салтанати ва ҳимоясида бўлмаган диёрдир, гарчи аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этса ҳам.

- Бирор диёрга Ислом диёри ёки куфр диёрилиги юзасидан эътибор берилаётганда юртга ёки аҳолига эмас, балки қонунларга ва ҳимояга эътибор берилади. Агар қонунлари Ислом аҳкомлари бўлиб, хавфсизлиги мусулмонларнинг ҳимоясида бўлса, у Ислом диёридир. Агар қонунлари куфр қонунлари бўлиб, хавфсизлиги мусулмонларнинг ҳимоясида бўлмаса, у куфр диёри ёки дору-л-ҳарб (яъни фатҳ қилиниши зарур булган диёр)дир.

- Бу фикр Сулаймон ибн Бурайданинг ҳадисидан олинган. Унда келганки, «...уларни Исломга даъват эт. Агар даъватингни қабул қилсалар, улардан (Ислomini) қабул қилиб қиличингни тий. Сўнг уларни ўз диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчиб ўтишга даъват эт ва уларга билдирки, агар кўчиб ўтсалар муҳожирларга берилган

барча ҳуқуқлардан улар ҳам бахраманд бўлулар ва муҳожирларнинг зиммасидаги вазифалар уларга ҳам юкланур».

Ҳадиснинг мазмуни шуки, улар кўчиб ўтмасалар муҳожирларга, яъни Ислом диёридагиларга берилган ҳуқуқлар уларга берилмайди. Бу ҳадис муҳожирлар диёрига кўчиб ўтадиган кишиларга тегишли аҳкомларнинг унга кўчиб ўтмайдиган кишиларга тегишли аҳкомлардан фарқлилигини баён қилади. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг даврларида муҳожирлар диёри Ислом диёри, бошқа диёрлар эса куфр диёри эди.

Ислом диёри ва куфр диёри ёки дору-л-ҳарб истилоҳи шу ҳадисдан истинбот қилингандир. Бу ўринда диёр сўзини «Ислом», «куфр» ёки «ҳарб» сўзлари билан боғланиши «бошқарув» ва «салтанат» сўзлари билан боғланишни ифодалайди.

Шу фикрлардан аён бўладики, бирор диёрни Ислом ёки куфр диёри деб ҳисоблашда салтанатнинг нисбати нимага берилаётгани эътиборга олинади. Салтанат фақат икки иш билан юзага келади:

биринчиси, одамларнинг алоқа ва муносабатларини муайян аҳкомлар асосида бошқариш; иккинчиси, аҳоли ҳавфсизлигини таъминлайдиган ва қонунларни ижро этадиган қувват, яъни ҳимоя. Шу боис мазкур икки иш шарт қилинди.

• Бундан ташқари, бирор диёрни Ислом диёри деб эътиборга олиш учун Ислом аҳкомларини татбиқ этиш шартлигига яна далил Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзидир:

وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

— „Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм

қилмас экан, бас, улар кофирлардир". [5:44]

Бунга яна Авф ибн Моликнинг ҳадисида ёмон ҳокимлар тўғрисида келган сўзлар ҳам далилдир. Унда келганки, «...Эй Расулуллоҳ бу ёмон ҳокимларга қарши қилич ялонғочлаб курашмаймизми, деб сўралганида, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам): «Модомики улар ораларингда намозни адо қилар экан, йўқ, курашмайсизлар», дея жавоб бердилар».

Бунга яна Уббода ибн Сомитдан байъат тўғрисида ривоят қилинган ҳадисдаги сўзлар далилдир. Унда келганки, «...бошлиқлардан ишни тортиб олмасликка биноан байъат берамиз деб байъат қилаётганларида Расулуллоҳ дедилар: «Лекин куфр ишлигига Аллоҳ тарафидан аниқ далил келган очик кофирликни кўрсаларинг (улардан бошқарув ишини тортиб олиш учун ҳаракат қилишларингга биноан байъат қиламан)». Табароний ривоят қилган ҳадисда «...аниқ кофирликни...» деган сўз келган. Бу далиллар Ислом аҳкомларидан бошқа қонунлар асосида бошқариш ҳокимга қарши қилич кўтаришни вожиб қилишига далолат қилади.

Бу эса Исломни татбиқ этиш Ислом диёрининг шартларидан бири эканининг далилидир. Акс ҳолда унга қарши қилич кўтариш ва жанг қилиш вожиб бўлади.

• Аммо хавфсизлик Ислом химояси билан, яъни муслмонларнинг салтанати билан бўлиши вожиблигига келсак, у Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзидан олингандир:

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا

– „Мўминларнинг устидан кофирларнинг ҳукмрон бўлишига Аллоҳ ҳеч йўл қўймайди“, [4:141]

яъни мўъминлар устидан кофирларнинг салтанатга эга

бўлиши жоиз эмас. Чунки уларга салтанатнинг бериб қўйилиши мусулмонларнинг хавфсизлигини Ислом ҳимоясига эмас, балки куфр ҳимоясига топширишдир.

Шунингдек, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) мусулмонлар салтанатига тобеъ бўлмаган ҳар қандай юртга қарши, хоҳ унинг аҳолиси мусулмон, хоҳ ғайримусулмон бўлсин, ғазот қилишга буюрар эдилар ва қуролли жанглар олиб борар эдилар. Бунга далил аҳолиси мусулмонлар бўлса Расулуллоҳ уларни ўлдиришдан қайтарганларидир. Анас (Розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у айтди: «Расулуллоҳ бир қавмга қарши ғазот қилсалар, тонг ёришгунгача уруш очмас эдилар. Агар азоннинг овозини эшитсалар ҳужум қилмас, агар азоннинг овозини эшитмасалар тонг ёришганидан сўнг ҳужум бошлар эдилар». Исом ал-Музанийдан ривоят қилинди, у айтди: Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ҳар бир сарийяни жўнатаётганларида айтар эдилар: «Масжидни кўрсаларинг ёки азоннинг овозини эшитсаларинг бирор кишини ўлдирманглар». Азон ва масжид Ислом анъаналаридандир. Бу ҳадис бирор юртда мусулмонларнинг яшаётганлиги унга қарши курашиш ва қуролли жанглар олиб боришни ман қилмаслигини англатади. Яъни мусулмонлар салтанатига тобеъ бўлмаган юртлар дору-л-ҳарб яъни куфр диёри, деб эътибор қилинди. Чунки бу юртларда Ислом анъаналари кўринсада, лекин уларнинг хавфсизлиги Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг салтанати, яъни Ислом салтанати ва ҳимояси билан таъминланмас эди. Шу боис, бундай юртлар дору-л-ҳарб (фатҳ қилиниши зарур бўлган диёр) деб эътибор қилиниб, ҳар қандай дору-л-ҳарбга қарши жанг қилингани каби унга қарши жанг

қилинди.

- Шу фикрлардан маълум бўладики, бугунги кунда исломий юртларнинг барчасида Ислом билан ҳукм юритиш шarti мавжуд эмас, гарчи уларнинг кўпчилигининг хавфсизлиги мусулмонларнинг ҳимояси ва салтанати билан бўлса ҳам. Шунинг учун, бу юртлар исломий юртлар ва аҳолиси мусулмонлар бўлишига қарамай, афсуслар бўлсинки, Ислом диёри деб эътибор қилинмайди. Чунки диёрга баҳо берилаётганда юрт ва аҳолига эмас, балки аҳкомлар ва ҳимояга эътибор берилади.

- Бугунги кунда исломий юртлардаги жамиятнинг воқелигига келсак, у ғайриисломий воқелиқдир.

Зеро, жамият фақат шахслардан эмас, балки шахслар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан таркиб топган. У фақат шахслардан иборат бўлганида аҳолиси мусулмон бўлган жамиятни мусулмон жамияти деб айтилиши ўринли бўлар эди.

Аслида, ораларида доимий алоқалар мавжуд бўлган одамларнинг мажмуаси жамиятдир. Уларнинг ораларида доимий алоқалар мавжуд бўлмаса, улар жамият бўлмай, балки жамоат бўлурлар. Масалан: кемадаги ёки тайёрадаги ёки қарвондаги йўловчилар каби.

Одамлар ўртасида доимий алоқа юзага келиши учун уларнинг фикрлари, туйғулари ҳамоҳанг ва уларга татбиқ этилаётган қонунлар бир хил бўлмоғи зарур. Шу учун ҳамоҳанг ва бир хил бўлмас экан, уларда доимий алоқа юзага келмайди. Бинобарин, улар жамият бўла олмайдилар.

Шунга кўра, жамият кишилар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан таркиб топади. Жамиятлар шуларга қараб

белгиланади. Шунинг учун, одамлар ўртасида жамиятлар улардаги фикрлар, туйғулар ва қонунларнинг ҳар хил бўлишига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Исломий юртлардаги аҳолининг аксари мусулмон бўлишига қарамай, улардаги жамиятга аралаш фикрлар, туйғулар ва қонунлар ҳукмронлик қилмоқда. Шу сабабдан, мусулмонлар ўртасида фикрлар ва туйғуларда очик зиддият ва қарама-қаршиликларга дуч келишингиз таажжубланарли ҳол эмас. Улар Исломга интилаётган бир пайтда ҳокимлари кофир бўлишига рози бўлиб, ўзларига татбиқ этилаётган куфр қонунлари хусусида лом-мим демай келмоқдалар. Исломнинг ҳаёт майдонига қайтишини кутишаётган бир пайтда миллатчилик, маҳаллийчилик ва тоифий мазҳабпарастлик фикрларига маҳкам ёпишиб олмоқдалар. Америка, Британия ва Россияни ўз душманлари деб ҳисоблаётган бир пайтда улардан ёрдам сўраш улар билан дўст бўлиш ҳамда ўз муаммо ва масалаларини уларнинг ҳал қилиб беришига интилмақдалар.

Мусулмонлар мўъминларни ўзаро биродар деб эътиқод қила туриб, ўз миллат ва қитъаларига тарафкашлик қилмоқдалар. Араб араблигига, турк туронлигига, форс форслигига, ҳаттоки ироқлик Ироғига, шомлик Шомига, мисрлик Мисрига тарафкашлик қилмоқда. Ҳолбуки бу ишларнинг барчаси Ислом аҳкомларига мутлақо зиддир.

Улар Исломга ишонч билдира туриб Ислом аҳкомларига бутунлай зид бўлган демократия, эркинликлар, халқ ҳукмронлиги, социализм ва бундан бошқа куфр фикрларига чақирмоқдалар.

Бундан ташқари, Ислом юртларининг барчасида мусулмонларга татбиқ этилаётган бошқарув, иқтисод,

таълим-тарбия ва ташқи сиёсатга оид низомлар ҳамда маданий қонунлар куфр низомлари ва қонунларидир. Барча исломий юртлардаги жамиятни ғайриисломий жамият қилиб турган нарсалар мана шулардир.

- Юқорида ўтган барча фикрлардан исломий юртларнинг барчасидаги мусулмонлар мусулмон бўлишларига қарамай, ғайриисломий жамиятда яшаётганлари ва улар яшаётган Ислом юртлари Ислом диёри эмаслиги аён бўлади.

- Шунингдек, Халифалик Давлати тугатилиб, Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ этишдан узоқлаштирилганидан сўнг, мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала Халифалик Давлатини тиклаб мусулмонларга халифа сайлаш орқали Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда қайтадан татбиқ этиш эканлиги ҳам аён бўлади. Мусулмонлар бу халифага қулоқ солиш ва итоат қилиш бўйича байъат беришаётган пайтда халифанинг Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннати асосида иш юритиши, куфр тузум ва қонунларини парчалаб, ўрнига Ислом аҳком ва қонунларини амалга киритиши, исломий мамлакатларни Ислом диёрига, ундаги жамиятни исломий жамиятга айлантириши, мусулмонлар яшаётган мамлакатларни Халифалик давлатига бирлаштириши ҳамда Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйиши шарт қилиб кўйилади.

- Аммо «Бу масала мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масаладир», деган фикрга келсак, бу фикр мусулмонларнинг барча Ислом аҳкомларига риоя этишлари ҳамда уларни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ ва ижро қилишлари фарзлигини

ифодалаб келган шаръий аҳкомлардан олинган. Аллоҳ Таоло деди:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайғамбар сизларга ниманики олиб келса, уни маҳкам ушланглар. Сизларни нимаданки қайтарса, ундан қайтинглар“.

[59:7]

Оятдаги «наrsa» (маa) сўзи умумни ифодалайдиган сўздир. Шунинг учун, бу сўз Расулulloҳ (Саллalloҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) олиб келган ҳар бир ишга амал қилиш ва Расулulloҳ (Саллalloҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) қайтарган ҳаром ишларнинг барчасидан қайтиш вожиблигини ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло деди:

وَأَنْ أَحْكَمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

– „(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган наrsa билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавои-нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!“

[5:49]

Бу Аллоҳнинг ўзи нозил қилган барча аҳкомлар билан ҳукм юритишнинг вожиблиги ҳақида Ўз Пайғамбарига ва мусулмонларга қаратган буйруғидир. Чунки оятдаги «маa» (наrsa) сўзи умумни ифодалайдиган сўздир. Шунинг учун, бу сўз Аллоҳ нозил қилган аҳкомларнинг барчасини ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло деди:

وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

– „Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм

қилмас экан, бас, улар кофирлардир". [5:44] яъни, кимда-ким Аллоҳ нозил қилган барча аҳкомлар билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир. Чунки бу оятдаги «маа» (нарса) сўзи умумни ифодалайди. Шунинг учун, бу сўз Аллоҳ нозил қилган барча аҳкомларни ўз ичига олади.

- Аллоҳ нозил қилган барча аҳкомлар асосида бошқаришнинг фарзлиги шу оятлардан аён бўлади. Бу фарзни амалга ошириш бугунги кунда мусулмонлар яшаётган юртларнинг бирортасида мавжуд эмас. Шунинг учун, Исломни ҳаёт, давлат ва жамиятда яна вужудга келтириш мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масаладир.

Ислом мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашишни талаб қилди. Имом Муслим Авф ибн Моликнинг ҳадисини ривоят қилганлар: Расулуллоҳ дедилар: «Келажакда жуда кўп амирлар (халифалар) бўлади. Сизлар (айрим ишларини) маъруф, айримларини мункар, деб биласизлар. Кимики уларнинг мункар ишларини ёқтирмаса холос бўлади. Кимики инкор этса нажот топади. Лекин кимки рози бўлиб эргашса...». Шунда: Эй Расулуллоҳ бу амирларга қарши қилич билан курашмаймизми, деб сўралганида, Расулуллоҳ: «Иўқ (курашмайсизлар), модомики улар ораларингда намозни адо қилаётган бўлсалар, деб жавоб бердилар».

Имом Бухорий Уббода ибн Сомитдан ривоят қилди: «Расулуллоҳ бизни байъат беришга чақирдилар. Биз Расулуллоҳга байъат бердик. Хурсандлигу хафачилигимизда ҳам, қийинчилигу фаравончилигимизда ҳам қулоқ солиш ва итоат қилиш, бошқалар манфаатини

устун кўйиш ва бошлиқлардан ишни тортиб олмасликка биноан байъат бердик, деб Расулуллоҳга байъат бераётганимизда, «Расулуллоҳ дедилар: лекин куфр эканига Аллоҳдан аниқ далил келган очик кофирликни кўрганларингда улардан бошқарув ишини тортиб олишга ҳаракат қилишларингда биноан байъат қиламан». Табароний ривоят қилган ҳадисда «...аниқ кофирликни...» деган сўз келган.

Авф ибн Моликнинг ҳадисидаги намозни адо қилиш динни барпо қилиш маъносида келган. Намоздан динни назарда тутилиши «жузь»ни «кул»-га, яъни бўлакни бутун нарсага қўллаш туридан. Қолаберса, бу Ислом аҳкомлари асосида бошқаришдан киноядир. Уббода ибн Сомитнинг ҳадисида келган «очик кофирлик» ҳокимнинг олиб бораётган ишларида, яъни куфр ҳукмлари билан ҳукм юритишида намоён бўлаётган очик куфрдир.

Бу икки ҳадиснинг мазмуни, ҳокимлар Ислом аҳкомлари асосида бошқармаган ва Ислом анъаналарини амалга оширмаган пайтда уларга қарши қилич билан курашишимизни; улар куфр қонунларини ижро қилган вақтда уларга қарши жанг қилишимизни ҳамда улар очик кофирликни ошкор этсалар улардан бошлиқликни тортиб олишимизни англатади. «Ҳокимларга қарши қилич билан курашиш», деган сўз уларни ҳукм юритишдан супуриб ташлаб, Ислом аҳкомлари асосида ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш учун уларга қарши курашиш деган маънони англатади.

Шу далиллардан маълум бўладики, куфр қонунлари билан ҳукм юритишни ман қилишнинг ва Ислом аҳкомлари билан ҳукм юритишнинг вожиблиги мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим

масалалардандир.

Азиз биродарлар!

- Жамиятда қаттиқ силкинишларнинг рўй бериши, умматда табиий равишдаги жонланишни пайдо қилади. Бу жонланиш натижасида умматнинг барча аъзоларида муштарак оммавий сезги (яъни воқеликни фаҳмлаш) пайдо бўлади. Бу сезги силкинишнинг сабаб ва натижаларини ўрганиб, ундан қутулиш йўлини топиш хусусида фикрлашга олиб боради.

Шу фикрлаш умматнинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини, халқ ва умматларнинг тарихи, уларнинг уйғониш услубларини ва буларнинг барчасини бир-бирига таққослашларни ҳам ўз ичига олади. Ва ниҳоят ақл шу ўрганиш натижасида ечимга йўл топади.

- Мусулмонлар дуч келган силкинишларга келсак, улар шу асрнинг дастлабки йилларида энг қаттиқ силкинишга учрадилар. Бу силкиниш уларнинг бутун вужудларини ларзага келтирди, юртларини парчалаб, ҳамжиҳатлик ва бирликларини бўлиб ташлади. Давлатларини - Халифалик Давлатини - йўқ қилди, уларни ҳаётдан маҳрум қилди. Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ этишдан узоқлаштирди. Бунинг натижасида Халифалик Давлати бир неча давлат ва мамлакатларга парчалаб ташланди. Бу давлат ва мамлакатлар дастлаб кофир давлатларнинг бошқарувига бевосита бўйсунган бўлса, кейинчалик эса кофирларга итоат этувчи, мусулмон фарзандлари бўлган малай ҳокимларнинг бошқарувига бўйсуниб келди. Шунингдек, куфр тузуми ва қонунлари мусулмонларнинг барча юртларида татбиқ ва ижро қилинди.

Сўнгра умматни ларзага келтирган бу силкинишнинг

ортидан иккинчи силкиниш рўй берди. - Бунда кофир давлатлар ва уларнинг араб юртларидаги малай ҳокимлари ўзаро тил бириктиришди. - Бу силкинишда Фаластин босиб олиниб, у ерда Исроил давлати барпо қилинди.

- Бу икки силкиниш мусулмонларнинг бутун вужудига қаттиқ таъсир этди. Натижада улар ўзларини қутқариш учун ҳаракат қила бошладилар. Қутқариш мақсадида исломий ва ғайриисломий бир неча ҳаракатлар оёққа турди. Лекин улар мусулмонларни бу икки қаттиқ силкинишнинг таъсиридан халос эта олмадилар.

- Иккинчи силкинишдан сўнг Ҳизб ут-Таҳрир юзага келди. Аввало, мусулмонларнинг бугунги аҳволидан таъсирланган бир неча мусулмон кишилар оёққа туриб, Ислом умматининг ҳозирги ва ўтмишдаги аҳволини ўргандилар. Уммат босиб ўтган йўллари у дуч келган муаммоларни, умматнинг бугунги оғир аҳволини ва буларнинг барчасининг сабабларини ўргандилар. Улар мусулмонларнинг воқелигини, исломий юртлардаги жамиятнинг воқелигини, бу жамиятдаги умматнинг ҳокимлар билан бўлган алоқасини, ҳокимларнинг уммат билан бўлган алоқасини, улар умматга татбиқ этаётган тузум ва қонунларни, шунингдек ўзлари яшаётган жамиятда мусулмонларга ҳукмронлик қилаётган фикр ва туйғуларни ўрганиб чиқдилар.

Сўнгра, улар Ислом аҳкомларини чуқур ўрганиб, уларнинг воқелигини англаганларидан сўнг юқоридаги ишларни шу аҳкомларга солиштирдилар. Сўнгра, мусулмонларни халос қилиш учун юзага келган ҳаракатларни ҳам, хоҳ Ислом асосига, хоҳ ғайриисломий асосга қурилган бўлсин, ўрганиб чиқдилар.

Улар шу чуқур ўрганишдан муайян, аниқ ва тиник

фикрга келдилар ва Ҳизб ут-Таҳрирни шу фикр асосида туздилар.

- Ҳизб ут-Таҳрир шу ўрганишдан сўнг «Ислом умматининг тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ қилишни ўз ўрнига қайтариш ҳамда Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйиш», деган фикрга келди.

Шу фикрга биноан, Ҳизб ўз ғоясини исломий ҳаётни янгидан бошлаш ва Ислом даъватини ёйиш, деб белгилади ва шу ғояни амалга ошириш учун уммат ичида фаолият кўрсата бошлади.

- Исломий ҳаётни янгидан бошлаш дегани Ислом аҳкомларининг барчасига, яъни ақида, ибодат, ахлоқ ва муомала аҳкомларига ҳамда бошқарув, иқтисод, ижтимоъ (оила ҳаёти), таълим-тарбия низомларига ва бошқа халқ, уммат ва давлатлар билан бўладиган ташқи сиёсатга оид қонунларга мусулмонларнинг амал қилишини қайтариш ҳамда мусулмон юртларни Ислом диёрига айлантириш ва улардаги жамиятни исломий жамиятга ўзгартиришдир.

Исломий ҳаётни янгидан бошлаш фақат Халифаликни қайтадан тиклаб мусулмонларга халифа сайлаш орқали юзага келади. Шу халифага Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатиغا риоя қилиш шарти билан қулоқ солиш ва итоат этишга байъат берилади.

- Ҳизб ут-Таҳрир ўз ўрганиши натижасида мусулмонларнинг тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани белгилашга, бинобарин ўзи интиладиган мақсадни ва амалга ошириш учун ҳаракат қиладиган ғояни белгилашга муваффақ бўлди. Шу билан бир қаторда, бу ғояни амалга ошириш учун босиб ўтиши шарт бўлган

тариқатни белгилашга ҳам эришди. Бу тариқат Аллоҳ Таоло Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)ни элчи қилиб юборганидан, то Расулulloҳнинг Мадинада Ислоҳ Давлатини барпо қилгунига қадар юрган йўлларида гавдалангандир.

- Ислоний ҳаётни янгидан бошлаш йўлида қилинаётган ҳаракат самарали бўлиши учун у жамоий ҳаракат бўлиши вожиб. Шахсий суратдаги ҳаракат бўлиши жоиз эмас. Чунки шахсий ҳаракат ғояни амалга оширишга олиб бормади. Қолаберса, шахсинг ақли ва тафаккури қанчалик юксак бўлса ҳам, унинг ёлғиз ўзи бу ғояни амалга ошира олмайди. Шунинг учун, у жамоат билан биргаликда фаолият олиб бориши зарур.

Шунинг учун, Халифаликни тиклаб Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар асосида ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш мақсадида олиб бориладаган ҳаракат жамоий ҳаракат бўлиши ва у уюшма ёки ҳизб ёки жамоат кўринишида олиб борилиши зарур. Бу жамоий ҳаракат сиёсий ҳаракат бўлиши вожиб. Унинг ғайрисиёсий бўлиши жоиз эмас. Чунки Халифаликни тиклаш ва халифани сайлаш сиёсий ишдир. Шунингдек, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар асосида ҳукм юритиш ҳам сиёсий ишдир. Шунинг учун, бу иш сиёсий бўлиши шарт.

- Сиёсий бўлмаган ишларни амалга ошириш мақсадида юзага келган уюшмаларнинг мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қолаберса, мусулмонлар рўёбга чиқариш йўлида ҳаракат қилишлари вожиб бўлган ғояни бу уюшмалар амалга ошира олмайди. Бу ғоя Халифалик Давлатини қайтадан тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтармоқдир. Қуйидаги уюшмалар

шундай уюшмаларга мисол бўла олади:

а) Мадраса ва шифохоналар қуриш, камбағал, етим-есир ва муҳтожларга ёрдам бериш каби хайрия ишларини амалга ошириш учун тузилган уюшмалар. Ислом мусулмонларни хайрия ишларини амалга оширишга тарғиб қилган бўлса ҳам, лекин бу ишларнинг мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қолаберса, бу ишлар мусулмонлар рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилишлари вожиб бўлган ғояни амалга оширмайди. Шунингдек, бу ишлар билан шуғулланиш шуғулланаётган жамоатни Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар асосида ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш мақсадида ҳаракат қилишдек вожибни адо этишдан чалғитади.

Бундан ташқари, бирор уюшманинг хайрия ишлари билан доимий сувратда шуғулланиши алоқаларни муттасил равишда бошқаришга оид ишлардан ҳисобланади. Алоқаларни доимий равишда бошқариш шахс ва жамоатларнинг вазифаларидан эмас, балки давлатнинг вазифаларидан биридир.

Доимий сувратда амалга оширилмайдиган хайрия ишлари эса, алоқа ва муносабатларни муттасил равишда бошқариш, деб ҳисобланмайди. Бу, яъни доимий равишда амалга оширилмайдиган хайрия ишлари шаръан жоиз. Шаръий аҳкомлар бу каби хайрия ишларига буюрган бўлса ҳам, лекин уларнинг мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

б) Ибодатларга ва суннатларга даъват қилиш мақсадида тузилган уюшмалар.

Ибодатларга ва суннатларга даъват этиш Ислом буюрган ишлардан бири. Чунки улар Исломнинг бир бўлаги ва

Аллоҳ Таоло даъват этишни мусулмонларнинг зиммасига вожиб қилган эзгуликнинг бир қисмидир. Аллоҳ Таоло деди:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ

– „Сизлардан эзгуликка даъват этадиган бир гуруҳ бўлсин“. [3:104]

Лекин ибодатларга ва суннатларга даъват этиш Исломнинг бир бўлагидир. Ваҳоланки, олиб чиқиладиган даъват Исломга бутунича амал қилишга қаратилмоғи, яъни ақида, ибодат, ахлоқ ва муомалаларга оид шаръий аҳкомлар ҳамда бошқарув, иқтисод, ижтимоъ (оила ҳаёти), таълим-тарбия ва ташқи сиёсатга оид низомлар сифатида Исломга амал қилишга қаратилмоғи вожиб. Даъват (ибодат ва суннатларга) чегараланишининг мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қолаберса, бу даъват мусулмонлар амалга ошириш йўлида ҳаракат қилишлари вожиб бўлган ғояни рўёбга чиқармайди. Бу каби уюшмаларнинг устидан чиқарилган ҳукм Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларига аҳамият бериш ва уларни баён қилиш мақсадида тузилган уюшмаларга ҳам мос келади.

Бундан ташқари, бу ва бу каби ишлар билан машғул бўлиш шуғулланаётган жамоани Аллоҳ мусулмонларга бажаришни юклаган вожиб амалдан чалғитади. Бу вожиб амал куфр қонунларини йўқ қилиб, Ислом аҳкомларини ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ қилишни ўз ўрнига қайтармоқдир.

в) исломий китобларни ёзиш, исломий маърифатни тарқатишга оид ишларни ёки ваъз ва иршодга оид ишларни амалга ошириш мақсадида тузилган жамъийятлар.

Исломий маърифатга оид китобларни ёзиш ва тарқатиш, ваъз ва иршод ишлари шарафли ва улуғ ишлардан бўлса ҳам, лекин улар мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ҳал қилиш йўли эмас; Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларига ва жамиятга қайтариш йўли ҳам эмас.

- Фикрларни амал қилиш учун ва ҳаёт майдонида юзага келтириш учун сиёсий сувратда олиб чиқилмас экан, улар китобларда ва кишиларнинг зехнларида қуруқ фикрлар ва назарий маълумотлар бўлиб қолаберади. Исломий кутубхоналар исломий маърифатга оид ўн минглаб бебаҳо ва нафис китоблар билан тўла. Лекин бу китоблар иш бермасдан ўз жойида таҳланиб ётибди. Демак, фикрлар амал қилиш учун ва ҳаёт майдонида юзага келтириш учун сиёсий сувратда олиб чиқилмас экан, улар амалга ошмасдан китоблар ичида қолаберади.

- Бунга ал-Азҳар, аз-Зайтуна, ан-Нажаф ва булардан бошқа Исломни ва Ислом маърифатини ўқитишга ихтисослашган дорулфунунлар мисол бўла олади. Бу дорулфунунларда Ислом ва Ислом маърифатини амал ва татбиқ қилиш учун амалий сувратда эмас, балки қуруқ, назарий сувратда ўқитмоқдалар ва ҳар йили минглаб олимларни етиштириб чиқармоқдалар. Лекин бу олимлар ҳаракатланадиган китоблар булишдан нарига ўта олмаяптилар. Чунки улар Исломни қуруқ, назарий маълумот сифатида ўргандилар. Исломни амал қилиш, бутун оламга ёйиш ва ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда вужудга келтириш учун ўрганмадилар.

Шунинг учун, улар шаръий ҳукмни ва Исломнинг ҳалол ва ҳаромдан иборат ўлчовларини ўз дунёқарашларининг асоси, ишларни бажаришларининг

ҳамда воқеа ва ҳодисалар устидан ҳукм чиқаришларининг асоси қилиб олмаётганларидан ажабланмаса ҳам бўлаверади.

г) маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш мақсадида ташкил этилган жамъийят ва уюшмалар.

Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилган ишлардан бири ҳисобланади. Аллоҳ Таоло деди:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ
وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ

– “Сизлардан эзгуликка (Исломга) даъват этадиган, маъруф ишга буюрадиган ва мункар ишдан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин” [3:104]

Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш ҳар қандай ҳолатда ҳам - хоҳ ХАЛИФАЛИК Давлати мавжуд бўлсин, хоҳ мавжуд бўлмасин ҳамда Ислом аҳкомлари бошқарувда ва жамиятда хоҳ татбиқ қилинаётган, хоҳ татбиқ қилинмаётган бўлсин - мусулмонларга вожибдир. Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг замонларида, У зотдан кейинги халифаларнинг ва улардан кейинги ҳокимларнинг замонларида ҳам мавжуд бўлган. Бу иш қиёмат кунигача мусулмонларга фарз бўлиб қолаберади.

Бироқ, маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш ҳокимлардан ҳисобот талаб қилиш ва уларни маъруф ишга буюриб, мункар ишдан қайтаришни ўз ичига олгани учун, бу иш исломий ҳаётни қайта бошлаш йўлида бажариладиган ишларнинг бир бўлаги бўлса ҳам, лекин у

Халифалик Давлатини тиклаб, Исломни ҳаёт майдонига, давлат ишларига ва жамиятга қайтаришнинг йўли эмас. Зеро, исломий ҳаётни қайтадан бошлаш учун амалга ошириладиган иш маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтаришдан бошқадир.

- Бу ўринда маъруф ишларга буюриш ва мункар ишдан қайтаришга оид ишлар билан, мункар ишни йўқ қилишга оид ишларнинг орасида фарқ борлигига эътиборни қаратмоқчимиз. Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтаришга оид ишлар фақат сўзга чегараланган. Мункар ишни йўқ қилишга оид ишлар эса, фақат сўзга чегараланмай, балки моддий куч ишлатишга ҳам ўтади. Бу фикр имом Муслим Абу Саъийд ал-Худрийдан ривоят қилган ҳадисдаги Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг сўзларидан олинган: «Сизлардан кимики мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Бунга қудрати етмаса, тили билан ўзгартирсин. Бунга ҳам қудрати етмаса, қалби билан ўзгартирсин. Бу эса иймоннинг энг заифидир».

- Бу Ҳадис, шахслардан содир бўладиган мункар ишни йўқ қилиш учун куч ишлатиш, уни йўқ қилишга етарли қудрат бўлиши лозимлигини ифодалайди. Шу шарт биланки, куч ишлатиш каттароқ мункар ишга, масалан: фитна, қотиллик ва қилич ялонғочлаш каби ишларга олиб бормасин.

Шахслардан содир бўладиган мункар ишни йўқ қилиш учун шундай йўл тугилади. Бу ишларнинг барчасининг Халифаликни қайта тиклаб, Исломни ҳаёт майдонига, давлат ишларига ва жамиятга қайтариш йўлида қилинадиган ҳаракатга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

- Ҳоким эса, куч ишлатиш тўғрисида келган

ҳадислардан мустаснодир. Зеро, модомики ҳоким гуноҳ ишга буюрмас экан, зулм қилса ҳам, одамларнинг ҳуқуқларини поймол этса ҳам, унга итоат этиш вожиблиги ҳақида ҳадислар бордир. Қолаберса, ҳоким очик кофирликни ошкор этмас, яъни куфр қонунлари асосида бошқармас экан, унга қарши қилич ялонғочлашдан қайтарувчи ҳадислар ҳам бордир. Муслим Нофеъдан, Нофеъ Ибн Умардан, Ибн Умар Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан ривоят қилади: «Мусулмон киши модомики гуноҳ ишга буюрилмас экан, у ёқтирган ва ёқтирмаган ишларида ҳокимга кулоқ солиб, итоат қилиши вожибдир. Агар гуноҳ ишга буюрилса, кулоқ солиб итоат қилиши мутлақо жоиз эмас». Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилди, у айтди: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Кимики амиридан бирор ишни ёқтирмаса, унга сабр қилсин. Зеро, бирорта киши султонидан (амирига итоат этишдан) бир қарич ташқарига чиқиб ўлса, у жоҳилий ўлим билан ўлган бўлади». Бухорий Абдуллоҳдан ривоят қилди, у айтди: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Сизлар яқинда мендан кейин худбинликни ва сизлар мункар деб биладиган ишларни кўрасизлар. Шунда саҳобалар: Эй Расулуллоҳ, бундай ҳолатда нима иш қилишимизга буюрасиз, деб сўраганларида, Расулуллоҳ: Уларга ҳақларини адо этинглар ва ҳақларингни Аллоҳдан сўранглар, деб жавоб бердилар».

Ҳокимлар зулм қилсалар ҳам, кишиларнинг ҳуқуқларини поймол этсалар ҳам, Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) мусулмонларни уларга итоат этишга буюрдилар. Шу билан бирга, ҳокимлардан ҳисобот талаб қилиш, аччиқ сўзлар билан уларни танқид ва ҳужум

қилишни мусулмонларга вожиб қилдилар. Зеро, ҳокимнинг ўз вазифаларини тўлиқ адо этишини назорат қилишга ва унинг ношаръий ишларини инкор этишга жавобгар кишилар мусулмонлардир.

Умму Салама Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан ривоят қилди: Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Сизларга жуда кўп амирлар бошлиқ қилинади. Сизлар (улардан баъзиларининг айрим ишларини) маъруф, (айримларини) мункар ишлигини биласизлар. Кимки (мункар ишларини) ёқтирмаса халос бўлади. Кимки инкор этса нажот топади. Лекин кимки рози бўлиб эргашса...», яъни кимки мункар ишни ёқтирмаса, уни ўзгартирсин. Уни ўзгартиришга қудрати етмаса ҳам қалби билан инкор этса, нажот топур. Лекин кимки уларнинг ношаръий ишларига рози бўлса ва эргашса халос бўлмас ва нажот ҳам топмас.

Пайғамбаримиз (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) дедилар: «Шаҳидларнинг саййиди - Ҳамза ҳамда зolim ҳокимнинг ҳузурига бориб, унга насиҳат қилганида, шу ҳоким ўлдириб юборган кишидир». Бошқа ҳадисда бундай деган эдилар: «Жиҳоднинг энг афзали зolim султон ҳузурига айтиладиган ҳақ сўздир».

- Ҳоким мункар ишга қўл урган пайтда унга қарши моддий куч ишлатишга ва унга қарши қуроли кўтариб жанг қилишга Шорей фақат битта ҳолатда рухсат берди. Бу ҳолат - ҳоким очиқ кофирликни изҳор қилган, яъни куфр қонунлари билан ҳукм юритаётган ёки юртларда куфр ишлари авж олишига йўл қўяётган ҳолатдир. Бундай ҳолатда уни куфр қонунлари билан ҳукм юритишдан қайтариш учун унга қарши жанг қилиш, қуроли ишлатиш ва у билан ҳукм юритишни талашиш вожиб бўлади. Ҳоким

шунда ҳам, куфр қонунлари билан ҳукм юритишдан қайтмаса, уни ҳукм юритишдан олиб ташлаб шаръий аҳкомларни татбиқ ва ижрога қайтариш учун унга қарши қурол кўтариб жанг қилинади.

Умму Саламадан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: «...Саҳобалар: Эй Расулуллоҳ, уларга қарши жанг қилмаймизми, деб сўраганларида, Расулуллоҳ: «Йўқ, модомики намозни адо этаётган бўлсалар», деб жавоб бердилар. Бошқа ривоятда қуйидаги сўзлар келган: «...уларга қарши жанг қилмаймизми», деб сўраганларида, Расулуллоҳ: «Йўқ (жанг қилмайсизлар), модомики намозни адо этаётган бўлсалар», деб жавоб бердилар». Авф ибн Молик ривоят қилган ҳадисида ушбу сўзлар келган: «...Эй Расулуллоҳ, уларга қарши қилич ялонғочлаб курашмаймизми, деб сўраганида, Расулуллоҳ: «Йўқ (курашмайсизлар), модомики улар ораларингда намозни адо этаётган бўлсалар». деб жавоб бердилар». «Намозни адо этиш» деган сўз Ислому аҳкомларининг барчасини татбиқ ва ижро этиш деган маънони англатади. Намоздан Ислому аҳкомлари назарда тутилиши «жузъни кулга (яъни бир бўлакни бутун нарсага) қўллаш» туридандир. Уббода ибн Сомит ривоят қилган ҳадисда шу сўзлар келган: «...бошлиқлар билан ишни талашмасликка байъат қиламиз, деб байъат қилаётганларида Расулуллоҳ дедилар: «Лекин бошлиқлардан куфр иш эканига Аллоҳ тарафидан аниқ далил келган очиқ кофирликни кўрсаларинг (улардан бошқарув ишини тортиб олишга ҳаракат қилишларингга байъат қиламан)». Табароний ривоят қилган ҳадисда «...аниқ кофирликни...» деган сўз келган. Имом Аҳмаднинг ривоятида эса «...агар сени очиқ гуноҳ ишга буюрмаса» деган сўз бор. Бу ҳадисларнинг барчаси шуни

англатадики, ҳоким куфр иш эканига Аллоҳ тарафидан аниқ ҳужжат келган очик кофирликни изҳор қилса, яъни у куфр қонунлари билан ҳукм юритса, бу вақтда унга қарши қурол кўтариб жанг қилиш вожиб бўлади.

- Бирок, ҳокимни олиб ташлаш қудратига эга бўлинса, шундагина унга қарши қурол кўтариб жанг қилиш ва у билан бошлиқликни таллашиш вожиб бўлади. Зеро, мункар ишни йўқ қилиш учун куч ишлатишга буюрган ҳадисларда ҳамда ҳоким очик кофирликни изҳор қилган пайтда унга қарши қилич ялонғочлаш вожиблигини ифодалаган ҳадисларда олиб ташлаш қудратига эга бўлиш шарт қилинган. Чунки ҳадисда «...(мункар ишни куч билан ўзгартиришга) кодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин», дейилган. Аммо уни олиб ташлашга қудрат етмаган пайтда, ҳокимга қарши қилич ялонғочлаб жанг қилиш вожиб бўлмайди. Бундай пайтда ҳарбий қувват тайёрлаш ва куч эгаларидан ёрдам сўраш учун ҳаракат қилинади. Қачонки олиб ташлаш қудрати ҳосил бўлса, шундагина ҳокимга қарши қилич ялонғочлаб жанг қилиш вожиб бўлади.

- Лекин ҳоким очик кофирликни изҳор қилган пайтда унга қарши қилич ялонғочлаб курашишнинг вожиб бўлишида диёрнинг Ислому диёри бўлиши ва Ислому аҳкомлари татбиқ этилаётгани, сўнг ҳокимдан очик кофирлик содир бўлиши шарт. Зеро, Уббода ибн Сомит ривоят қилган ҳадисда «...лекин бошлиқлардан очик кофирликни кўрган пайтларингда...», Табароний ривоят қилган ҳадисда «...лекин бошлиқлардан аниқ кофирликни кўрган пайтларингда...» деган сўз келган. Бунинг маъноси, ҳокимдан очик ва аниқ кофирликни илгари кўрмасдан энди уни кўрсаларинг, яъни Ислому татбиқ этилаётган бир

пайтда ҳоким очиқ ва аниқ куфр қонунлари билан ҳукм юритаётганини кўрсаларинг, деганидир.

- Мусулмонлар яшаётган диёр куфр диёри бўлиб, Ислом аҳкомлари татбиқ қилинмаётган вақтда, мусулмонлар устидан куфр қонунлари билан ҳукм юритаётган ҳокимни ҳокимиятдан олиб ташлаш эса, ёрдам ишташ орқали амалга оширилади. Бунда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг Ислом давлатини куриш ва Ислом аҳкомларини татбиқ қилиш учун босиб ўтган йўлларига эргашилади.

д) Жамиятни ислоҳ қилиш учун чиройли ахлоқларга тарғиб қилиш асосида тузилган жамъийят ва уюшмалар.

Чиройли ахлоқларга даъват қилиш Аллоҳ мусулмонларга буюрган эзгуликка даъват қилишдир. Лекин чиройли ахлоққа бўлган бу даъват Ислом аҳкомларининг фақат бир қисмига амал қилишга бўлган даъватдир. Аслида даъват Ислом аҳкомларига тўла амал қилиш ва Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда вужудга келтириш учун Ислом аҳкомларининг барчасига қаратилиши вожиб. Чиройли ахлоқларга даъват этиш давлат, ҳаёт ва жамиятдаги жамоатга тааллуқли умумий аҳкомларга даъват этиш эмас, балки Шариъатнинг шахсга тааллуқли аҳкомларига даъват этишдир.

Чиройли ахлоқларга даъват этиш жамиятни ислоҳ қилишга ҳам, умматни уйғотишга ҳам олиб бормайди. Зеро, жамиятни ислоҳ қилиш унга ҳукмронлик қилаётган фикр ва туйғуларни ҳамда унда татбиқ этилаётган қонунларни ислоҳ қилиш орқали, яъни жамиятда ҳукмрон урфи омни ислоҳ қилиш орқали ҳосил бўлади. Чунки жамият кишилар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан таркиб топган. Шунга асосан, жамиятни ислоҳ қилиш,

унинг таркибий қисмларини ислоҳ қилиш орқали, яъни кишиларнинг фикр ва туйғуларини ҳамда унда татбиқ қилинаётган қонунларни ислоҳ қилиш орқали юзага келади.

Шунингдек, ахлоқларга даъват этиш умматни уйғотишга олиб бормади. Зеро, уйғонишга олиб борадиган омил фақат фикрий юксалишдир. Европа ва Америкага назар ташлаш, уларнинг уйғоқлигини кўрсатади. Лекин уларнинг уйғониши нотўғри уйғонишдир. Зеро, тўғри уйғониш рухий асосга қурилган фикрий юксалишдир. Европа ва Америка уйғоқ бўлишига қарамай, ахлоқий жиҳатдан ботқоққа ботгандир. Улар ахлоқий қийматдан холи бўлиб, ҳайвонлар тўдаси каби ҳаёт кечирмоқдалар.

Чиройли ахлоқларга даъват этиш мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ҳал қилишга даъват ҳам эмас, Аллоҳ мусулмонларга рўёбга чиқариш йўлида ҳаракат қилишни вожиб қилган ғояни амалга ошириш йўли ҳам эмас. Бу ғоя Халифалик Давлатини тиклаб, Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ этишни ўз ўрнига қайтариш ҳамда Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйишдир.

Мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ҳал қилиш ҳамда мусулмонларнинг интилишлари ва амалга ошириш йўлида ҳаракат қилишлари вожиб бўлган мақсад ва ғояга эришиш мусулмонларга сиёсий уюшмалар тузиш вазифасини юклайди. Бу уюшмалар ксломий фикрат асосига қурилишлари ва Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни қайтариш учун сиёсий

фаолият олиб боришлари шарт. Маълумки, энг муҳим масала ҳамда амалга ошириш учун ҳаракат қилиш вожиб бўлган ғоя ва мақсад Халифалик Давлатини тиклаб, Ислом аҳкомларини ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ ва ижро қилиш ҳамда Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйишдир.

Шунинг учун, мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ва амалга ошириш йўлида ҳаракат қилиш мусулмонларга вожиб бўлган ғояни англаганидан сўнг Ҳизб ут-Таҳрир ташкил топди.

- Ҳизб ут-Таҳрир Ислом мабдаъига асосланган сиёсий ҳизб бўлиб, унинг иши сиёсат ва асоси Исломдир. Умнат Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларига ва жамиятга қайтаришни ўз тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала деб қабул қилиши учун ҳамда Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш сари умматни етаклаш учун бу Ҳизб умматнинг орасида ва уммат билан бирга фаолият олиб боради.

- Ҳизб ут-Таҳрир коҳинликка мансуб руҳий уюшма ҳам, илмий уюшма ҳам, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланадиган уюшма ҳам, хайрия ишлари билан шуғулланадиган уюшма ҳам эмас, балки у исломий фикрат асосига қурилган сиёсий уюшмадир. Исломий фикрат Ҳизб жисмининг руҳи, унинг ўзаги, жони ва аъзоларининг ўртасини боғлаб турадиган робитадир. Ҳизб шу фикрат асосига қурилади ва бу фикрат ҳизбнинг аъзоларида гавдаланади. Ҳизб умматни бу фикратни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда вужудга келтириш учун унга амал қилиш ва уни ўзи билан бирга олиб чиқишга даъват қилади.

- Ҳизб ут-Тахрирнинг ғояси исломий ҳаётни қайтадан бошлаш ва исломий даъватни ёйиш, яъни мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ҳал қилишдир. Исломий ҳаётни қайтадан бошлаш дегани «исломий фикр ва туйғулар ҳукмронлик қиладиган, Ислом низомлари ва аҳкомлари татбиқ қилинадиган, ҳаёт ишларининг барчаси шаръий аҳкомлар бўйича юритиладиган, нуқтаи назари ҳалол ва ҳаромдан иборат бўлган исломий жамиятда, Халифалик Давлати бўлган Ислом давлати соясида, Ислом диёрида мусулмонларни исломий ҳаёт кечиришга қайтариш», деган маънони англатади. Қолаберса, мусулмонлар бу давлатда Халифа сайлайдилар. Халифага Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннати билан ҳукм юритиши ва Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйиши шарти билан, кулоқ солиш ва итоат қилишга байъат берадилар.

Ҳизб исломий ақида асосига қурилган ёрқин фикр воситасида Ислом умматини тўғри уйғотишни мақсад қилиб олади. Ислом умматига илгариги азизлиги ва буюклигини қайтаришга ҳаракат қилади. Токи бу уммат оламга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш жиловини бошқа давлат ва халқлардан тортиб олиб, ўтмишда оламни бошқаргани ва оламдаги ишларни Ислом аҳкомлари бўйича идора этгани каби, яна оламда Биринчи Давлатга айлансин.

Шунингдек, бу Ҳизб Ислом ер юзида ҳукмрон бўлиши учун уни бутун оламга Рисолат сифатида ёйишни ҳамда умматни куфр, унинг қонунлари ва фикрларига қарши курашиш сари етаклашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

- Ҳизб ут-Тахрирнинг қиладиган иши мусулмон

юртларидаги бугунги бузук жамиятни ўзгартириб, исломий жамиятга айлантириш мақсадида исломий даъватни ёйиш; шу жамиятдаги ғайриисломий фикрларни исломий фикрларга ўзгартириб, шу фикрларни раъйи омга ҳамда амал ва татбиқ қилишга ундайдиган мустаҳкам тушунчаларга айлантириш; шу жамиятдаги ғайриисломий туйғуларни ўзгартириб, Аллоҳ ва Пайғамбарини рози қиладиган нарсага рози бўладиган, Аллоҳ ва Пайғамбарини ғазаблантирадиган нарсага ғазабланидиган ва унга қарши оёққа турадиган исломий туйғуларга айлантириш; шу жамиятдаги ғайриисломий алоқаларни ўзгартириб, Ислом аҳкомлари ва муолажалари бўйича юрадиган исломий алоқаларга айлантиришдир.

- Ҳизб амалга оширадиган бу ишлар сиёсий ишлардир. Зеро, Ҳизб бу ишларда одамларнинг алоқа ва муносабатларини шаръий аҳком ва муолажалар бўйича бошқаради. Чунки исломий сиёсат одамларнинг алоқа ва муносабатларини исломий аҳкомлар ва муолажалар асосида бошқармоқдир.

Ҳизб амалга оширадиган бу сиёсий ишларда қуйидагилар яққол кўзга ташланади:

1. Умматни Ислом сакофати билан тарбиялаш, токи у Ислом билан қоришиб чирик ақидалар, хато фикрлар ва чалкаш тушунчалардан халос бўлсин ҳамда куфр фикрлари ва тушунчаларидан таъсирланмасин.

2. Фикрий кураш. Бу кураш куфр фикрлари ва тузумларига қарши курашиш, шунингдек хато фикрлар, чирик эътиқодлар ва чалкаш тушунчаларга қарши курашиш, яъни уларнинг хатолиги, чириклиги ва ноҳақлигини баён қилиш ҳамда шу фикр ва эътиқодларга оид Ислом ҳукмини билдиришдир.

3. Сиёсий кураш. Бу кураш Ислом умматини исломий юртларга таъсири ёки нуфузи бўлган кофир давлатларнинг ҳукмронлигидан ва нуфузидан халос қилиш ва озод этиш ҳамда уларнинг фикрий, сақофий, сиёсий ва ҳарбий илдизларини қуритиш ва уларнинг тузумларини барча мусулмон юртларидан юлиб ташлаш мақсадида уларга қарши олиб бориладиган курашдир.

- Шунингдек, Ислом оламидаги, шу жумладан араб оламидаги ҳокимларга қарши курашиш, уларнинг умматга қилаётган хиёнатларини ва унга қарши тил бириктиришларини фош қилиш; уларни муҳосаба қилиш ва аччиқ сўзлар билан танқид қилиш; уммат олдида турган вазифаларини тўлиқ адо этмаётганлари ва умматнинг ишларини бошқармаётганлари, Ислом аҳкомларига зид иш олиб бораётганлари ва куфр қонунларини татбиқ этаётганлари учун уларни бошқарувдан олиб ташлаш йўлида курашишдир.

Демак, бу Ҳизбнинг барча ишлари сиёсий ишлардир. Унинг иши таълим-тарбия ҳам, ваъз ва иршод ишлари ҳам эмас. Зеро, Ҳизб мадраса эмас. Балки унинг иши сиёсий иш бўлиб, бунда Исломнинг фикрлари, аҳкомлари ва муолажаларини амал қилиш учун ҳамда ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда вужудга келтириш учун тушунтирилади.

Ҳизб Ислом татбиқ қилиниши ва Ислом ақидаси Давлатнинг асосига, дустур ва бошқа қонунларнинг асосига айланиши учун Исломни кўтариб чиқади.

- Ҳизб ут-Таҳрир ижмойи шаклда исломий фикрат асосига қурилиш билан кифояланмай, умматнинг воқелиги ва бугунги аҳволи исломий юртлардаги жамиятнинг воқелиги, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва

саллам) яшаган асрнинг, ундан кейинги хулафои рошидийнлар ва тобеъинлар асрининг воқелигини ўрганиб, текшириб ва фикр юритиб; Расулulloҳга ваҳй туша бошлаганидан то Мадинада давлат барпо қилгунларига қадар юрган йўллари ва даъватни ёйиш кайфиятларига мурожаат қилиб; сўнгра Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Мадинада қандай йўл тутганларини ўрганиб; Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатига ҳамда бу иккиси кўрсатган йўл - саҳобаларнинг ижмои ва қиёсга мурожаат қилиб; саҳобалар ва тобеинларнинг ҳамда мужтаҳид имомларнинг сўзларини ўрганиб чиқиб Ҳизб ут-Таҳрир Ислому фикратига ва шу фикратни ижро қилиш тариқатига тааллуқли муфассал фикрлар, райлар ва аҳкомларни табанний қилди. Бу фикр, рай ва аҳкомлар фақат исломий фикр, рай ва аҳкомлардир. Уларнинг ичида бирорта ғайриисломий бўлган ёки ғайриисломий фикрлардан таъсирланган фикр, рай ва аҳкомлар мавжуд эмас. Улар фақат исломий бўлиб ёлғиз Ислому асослари ва нусусларига таянади. Ҳизб уларни ўз ижтиҳоди ва тушуниши бўйича далилнинг қувватига биноан табанний қилди. Шунинг учун, Ҳизб уларни тўғри, лекин хато бўлиш эҳтимоли бор, деб ҳисоблайди.

Ҳизб шу фикр, рай ва аҳкомлардан ҳизб сифатида ўзига зарур бўладиганларини табанний қилди. Зеро, сиёсий ҳизб ҳизб бўлиши учун фикрат ва тариқатнинг тафсилотларини табанний қилиши зарур.

Шунингдек, Ҳизб шу фикр, рай ва аҳкомлардан Халифалик Давлатини тиклаб, халифа сайлаш орқали исломий ҳаётни янгидан бошлаш ва исломий даъватни ёйиш йўлида фаолият олиб боришга зарур

бўладиганларини ҳам табанний қилди.

Бу фикр, раъй ва аҳкомлар «Ислом ақидадан ва инсоннинг бу ҳаётдаги барча муаммоларини муолажа қиладиган низомдан иборат ҳаёт мабдаъи» эканини кўрсатиб беради.

Шунингдек бу фикр, рай ва аҳкомлар Ҳизбни муайян ҳизбга айлантиради ва Ҳизбнинг аъзолари орасини боғлаб турувчи робита вазифасини бажаради. Ҳизб улар воситасида ҳизбнинг бирлиги ва ундага фикрларнинг ҳамоҳанглигини сақлаб қолади. Ҳизб шу фикр, раъй ва аҳкомларни тўғри деб билгани учун умматни уларнинг атрофида бирлаштиради, токи уммат уларни ўз фикр, раъй ва аҳкомларига айлантириб, уларга амал қилсин ҳамда уларни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда вужудга келтириш учун Ҳизб билан бир сафда туриб ёйсин.

Ҳизбнинг бу фикр, раъй ва аҳкомларни табанний қилиши Ислом оламида, шу жумладан араб оламида, балки бутун оламда улар шу Ҳизбнинг фикрлари бўлиб танилишига олиб борди.

Ҳизб нашр қилиб одамларга тарқатаётган кўплаб китоблари ва варақаларига ўзи табанний қилган фикр, раъй ва аҳкомларни киритди.

- Ҳизб ут-Тахрирнинг жамиятни ўзгартириш йўли ҳамда Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш ва Исломни бутун оламга Рисолат сифатида ёйиш учун ўз фаолияти ва даъватни ёйиш кайфияти сифатида табанний қилган тариқатига келсак, Ҳизб бу ишларнинг барчасида шаръий ҳукмни ҳамда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) давлатни барпо қилиш, давлат ва жамиятга оид

шаръий аҳкомларни татбиқ ва ижро қилиш ҳамда даъватни ёйиш учун босиб ўтган йўллари намуна сифатида қабул қилди.

Зеро, Аллоҳ субҳонаҳу ва Таоло мусулмонларга шаръий аҳкомларга амал қилишни, шунингдек, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан ўрнак олишни ҳамда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Аллоҳ тарафидан олиб келган барча ишларни қабул қилишни вожиб қилгандир. Аллоҳ Таоло деди:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَن كَانَ يَرْجُو اللَّهَ
وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

– „Сизлар учун, яъни Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг Пайгамбарида гўзал намуна бордир”. [33:21]

قُلْ إِن كُنتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ
ذُنُوبَكُمْ

– „Айтинг (Эй Муҳаммад), „Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир”. [3:31]

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайгамбар сизларга ниманики олиб келса уни маҳкам ушланглар. Нимаданки қайтарса, ундан қайтинглар”. [59:7]

Бу оятлардан бошқа бир неча оятлар ҳам Расулulloҳга

эргашиш, ундан ўрнак олиш ва у олиб келган барча буйрук ва қайтарувларга сўзсиз амал қилиш вожиблигини англатади.

Ҳизб биладики, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) кофирларни Ислomга даъват этганлар. Бугунги кунда эса биз Ислom аҳкомларига амал қилишлари ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш йўлида биз билан бирга ҳаракат қилишлари учун мусулмонларга даъватни олиб чиқмоқдамиз. Бироқ биз бугунги кунда мусулмонларнинг юртлари афсуски Ислom диёри деб эътибор қилинмаслигини ва мусулмонлар яшаётган жамият эса ғайриисломий жамият эканини ҳам биламиз.

Шунинг учун, Ҳизбнинг фаолияти исломий юртларни Ислom диёрига ва ундаги жамиятни исломий жамиятга айлантиришга қаратилади. Зеро, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Макка ва бошқа шаҳарларни Ислom диёрига ва ундаги жоҳилий (ғайриисломий) жамиятни исломий жамиятга айлантириш учун иш олиб борган эдилар.

Шу боис, Ҳизб ўзининг фаолият йўли ва даъватни олиб чиқиш кайфияти сифатида қуйидаги кенг қўламли йўналишларни табанний қилди:

1. Ҳизб Аллоҳ Таолонинг

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ
وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ

– „Сизлардан эзгуликка (Ислomга) даъват этадиган, маъруф ишга буюрадиган ва мункар ишдан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин“, [3:104]

деган оятидаги буйруғига жавобан ва шаръий ҳукмни ижро қилиш мақсадида даъватни олиб чиқади. Бу шаръий ҳукм мусулмонларга Ислом аҳқомларига амал қилишни ҳамда уларни олиб чиқиб ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда қайтадан татбиқ ва ижро қилишни вожиб қилади.

Ҳизб фақат вожиб амални бажариш учун эмас, балки Халифаликни қайтадан тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳқомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш мақсадида даъватни олиб чиқади.

2. Ҳизб шаръий ҳукмни барча иш ва фаолиятларнинг асоси ҳамда мабдаълар, фикрлар, воқеа ва ҳодисалар устидан ҳукм чиқаришнинг пойдевори, шунингдек ҳалол ва ҳаромни барча иш ва тасарруфларнинг ўлчови қилиб олади. Сиёдат фақат Исломники деб эътиқод қилади.

Шунинг учун, Ҳизб ошкоралик, журъат ва очик-ойдинлик йўлини тутади. Исломга зид бўлган мабдаъ, дин, эътиқод, фикр, тушунча, тузум, урф-одат ва анъаналардан ҳар бирини баҳсга чорлайди, гарчи бу дин ва эътиқод вакилларининг ўч-интиқомига ва қаршилигига гирифтор бўлса ҳам. Ҳизб Исломнинг зарарига бирорта кишига лаганбардорлик қилмайди. Исломдан бошқа дин, эътиқод, мабдаъ соҳибларига ҳамда ғайриисломий фикр ва тарғибот вакилларига: «Сизлар шу ҳолатларингда қолаберинглар», демайди. Балки улардан дин ва эътиқодлари, фикр ва тарғиботларини куфр ва залолат бўлгани учун тарк этишни, фақат Ислом тўғри бўлгани учун уни қабул қилишни талаб қилади. Шунинг учун, Ҳизб яҳудий ва насроний динлари каби Исломдан бошқа барча динларни, шунингдек социализм, коммунизм ва капитализм каби барча мабдаъларни куфр динлари ва мабдаълари, деб

ҳисоблайди. Яхудий ва насороларни кофирлар деб эътибор қилади. Капитализм ёки социализм ёки коммунизмга эътиқод қиладиган кишини кофир деб ҳисоблайди.

Ҳизб миллатчилик, ватанпарварлик, маҳаллийчилик ва тоифий мазҳабпарастликка даъват этишни Ислом ҳаром қилади, деб эътибор қилади.

Шунингдек, капитализм ёки социализм ёки коммунизм ёки илмонийлик (динни ҳаётдан ажратиш) ёки масонликка ҳамда миллатчилик ёки ватанпарварлик ёки тоифий мазҳабпарастлик ёки Исломдан бошқа ҳар қандай динга тарғиб қиладиган партиялар тузишни ёки шу каби партиялардан бирортасига аъзо бўлишни мусулмонларга ҳаром деб, ҳисоблайди.

Шунингдек, Ҳизб ҳокимларга хушомад қилиб, чиройли кўринишга уринмайди. Даъватни олиб чиқишга ёрдам беради, дея ҳокимларга, уларнинг дустур ва қонунларига хайрихоҳлик изҳор қилмайди. Зеро, ҳаром воситасида вожиб амални адо қилиш шаръан жоиз эмас. Балки Ҳизб ҳокимларни муҳосаба қилиб, уларни аччиқ сўзлар билан танқид қилади. Ҳокимлар татбиқ қиладиган тузумлар куфр тузумлари бўлгани учун, бу тузумларни улоқтириб ташлашни ва уларнинг ўрнига Ислом аҳкомларини татбиқ қилишни уларга вожиб, дея ҳисоблайди. Шунингдек, Ҳизб улар куфр қонунлари билан ҳукм юритаётганлари учун уларни золим ва фосиқлар деб билади. Исломнинг ёки Ислом аҳкомларидан бирортасининг ҳаётга яроқлилигини инкор қилувчи ҳокимни эса кофир деб эътибор қилади.

Шунингдек, Ҳизб бу ҳокимлар билан ҳукм юритишда иштирок этишни қабул қилмайди. Зеро, бу иш куфрнинг ҳукм юритишида иштирок этиш бўлиб, мусулмонларга ҳаромдир. Ҳизб иқтисодий ёки таълим-тарбияга оид ёки

ижтимоий ёки ахлоқий ислоҳот ўтказишда бу ҳокимлар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлмайди. Зеро, бу ҳамкорлик золимларга ёрдам бериш, уларни мустаҳкамлаш ҳамда чирик, куфр тузумларининг умрини узайтиришдир. Балки Ҳизб бу ҳокимларни ҳам ва улар мусулмонларга татбиқ қилаётган куфр қонунларини ҳам олиб ташлаб, ўрнига Ислом аҳкомларини янгидан татбиқ ва ижро қилиш учун фаолият олиб боради.

3. Ҳизб Аллоҳ Таолонинг

وَأَنَّ أَحْكَمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритинг!“ [5:49]

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайғамбар сизларга ниманики олиб келса, уни маҳкам ушланглар. Нимаданки қайтарса, ундан қайтинглар“, [59:7]

деган оятларидаги буйруғини бажариш мақсадида Исломни барча аҳкомлари билан мукамал равишда татбиқ қилиш учун фаолият олиб боради, бу аҳкомлар хоҳ ибодатларга, хоҳ муомалаларга, хоҳ ахлоқ-одобга, хоҳ низомларга тааллуқли бўлсин.

Бу икки оятда келган «маа» (наrsa) сўзи умумни ифодалайдиган сўзлардандир. Шунинг учун, бу сўз Аллоҳ нозил қилган барча аҳкомларни ва Пайғамбар олиб келган барча ишларни ўз ичига олади. Демак, Аллоҳ нозил қилган барча аҳкомларни татбиқ қилиш ва Пайғамбар олиб келган барча ишларга амал қилиш вожиб. Икки ҳукмнинг, икки фарзнинг, икки ҳаромнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Уларнинг барчасини татбиқ ва ижро қилиш вожибдир. Бир

қисмини татбиқ қилиб, қолганини татбиқ қилмаслик, шунингдек аҳкомларни тадрижий сувратда татбиқ қилиш жоиз эмас. Зеро, биз Ислом аҳкомларининг барчасига амал қилишга буюрилганмиз. Шунинг учун, уларни бирданига ва мукамал равишда татбиқ этиш вожиб.

Воқеълик Исломга зид бўлган пайтда унга мос келсин, дея Исломни таъвил қилиш жоиз эмас. Зеро, таъвил Исломни бузиб талқин қилишдир. Бундай пайтда мусулмонларнинг вазифаси Исломга мувофиқ бўлиши ва шаръий аҳкомлар асосида тартибга солиниши учун воқеъликни ўзгартиришдир.

4. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га ваҳй кела бошлаганидан то давлат барпо қилиб, куфр диёрини Ислом диёрига, жоҳилият жамиятини исломий жамиятга айлантиргунларига қадар босиб ўтган йўлларида гавдаланган сийратларига асосан, Ҳизб ўз йўналишини куйидаги уч босқичга чегаралади:

Биринчиси: Ҳизбнинг фикрати ва тариқатига ишонадиган шахсларни вужудга келтириб, ҳизбий уюшмани шакллантириш учун уларни тарбиялаш босқичи.

Иккинчиси: Умматнинг зиммасига Исломни юклаш мақсадида унга таъсир ўтказиш босқичи, токи уммат Исломга ўзининг энг долзарб масаласи сифатида ёндашсин ва Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда юзага келтиришга ҳаракат қилсин.

Учинчиси: Бошқарувни қўлга олиш, Исломни тўлиқ ва умумий сувратда татбиқ қилиб, уни бутун оламга Рисолат сифатида олиб чиқиш босқичи.

• Аммо биринчи босқич таъсис босқичидир. Бу босқичда Ҳизбнинг ўзаги вужудга келди. Фикрат ва тариқатга йўл топилганидан сўнг биринчи ҳалқа шаклланди. Шу вақтдан

бошлаб бу биринчи халқа уммат вакиллари билан алоҳида-алоҳида кўришиб, уларга фикрат ва тариқатни тушунтира бошлади.

Кимки шу биринчи халқа таништираётган фикрларни қабул қилса, бу фикрларни тартибли ўрганиши учун уни халқаларга кўшади. Ниҳоят у шахс биринчи халқа табанний қилган Ислом фикр ва аҳкомлари билан қоришиб, исломий шахсияга айланади. Исломий ақлияга эга бўлиб, шу ақлия билан фикр, воқеа ва ҳодисаларга Ислом нуқтаи назари асосида қараб, уларнинг устидан Исломнинг ҳалол ва ҳаромдан иборат ўлчовларига мувофиқ равишда ўз ҳукмини чиқаради. Шунингдек, бу шахс исломий нафсияга эга бўлиб, Ислом асосида ҳаракат қилади. Аллоҳ ва Пайғамбарини рози қиладиган ишга рози бўладиган, Аллоҳ ва Пайғамбарини ғазаблантирадиган ишга ғазабланидиган ва унга қарши оёққа турадиган шахсга айланади. У Ислом билан бирлашганидан сўнг одамларга даъватни ёйишни бошлайди. Зеро, унинг халқаларда олган дарси таъсирли амалий дарс, яъни ҳаёт майдонида амал қилиш ва одамларга ёйиш учун ўрганилаётган дарсдир.

- Агар шахс шундай даражага кўтарилса, ўзини Ҳизбнинг аъзоси деб билади ва аъзога айланади.

Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) даъватнинг уч йил давом этган биринчи босқичида айнан шундай иш олиб борган эдилар. Одамларни алоҳида-алоҳида даъват қилиб, Аллоҳ юборган ваҳйни уларга таништираб; кимики Расулуллоҳ таништирган ваҳйни қабул қилиб, унга ва унинг Рисолатига ишонса, уни бу дин асосида ўз атрофидаги гуруҳнинг сафига сирран кўшиб олар; уни Ислом билан қориштириш мақсадида

Расулуллоҳ ўзларига юборилган Ислом рисолатини, нозил бўлган ва бўлаётган Куръон оятларини ўргатишга интилар эдилар. Пайғамбар (Саллаллоху алайҳи ва олиҳи ва саллам) ўзларига иймон келтирган кишилар билан махфий равишда, ҳеч кимга билдирмай учрашар, махфий жойларда яширин шаклда уларга таълим берар, улар эса ибодатларини яшириниб адо қилар эдилар. Ва ниҳоят Ислом номи Маккада тарқалди. Одамлар Ислом ҳақида гапира бошладилар. Исломга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кирдилар.

Бу таъсис босқичида Ҳизбнинг фаолияти фақат сақофий жиҳатга чекланди. Бутун эътиборини жисмини мустаҳкамлаш, аъзоларини кўпайтириш ва ҳалқаларда аъзоларининг онгини ўзи табанний қилган сақофат билан тартибли шаклда бойитиб боришга қаратди. Ва ниҳоят, Ислом билан қоришиб, Ҳизбнинг фикрларини қабул қилган, бу фикрлар билан бирлашиб, уни одамларга олиб чиққан йигитлардан ҳизбий уюшма шакллантиришга муваффақ бўлди.

Ҳизб ўзининг ҳизбий уюшмасини шакллантирганидан сўнг, жамият уни сезиб, фикрати ва даъват қилаётган фикрларини билгандан бошлаб Ҳизб иккинчи босқичга кўчди.

- Иккинчи босқич эса, умматга таъсир ўтказиш босқичидир. Унга таъсир ўтказишдан мақсад, Ҳизб табанний қилган Ислом фикрлари ва аҳкомлари ҳақида умматда афкори омма ва раъйи оммани юзага келтириб, унинг зиммасига Ислом масъулиятини юклаш ва Исломга ўз тақдирини ҳал қиладиган ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндошишга ундашдир, токи уммат шу фикр ва аҳкомларни ўз фикрларига айлантдириб, уларга амал қилсин ва ҳаёт майдонида вужудга келтириш мақсадида

олиб чиқсин, шунингдек исломий ҳаётни янгидан бошлаш мақсадида Халифаликни тиклаб, мусулмонларга халифа сайлаш ва Ислом даъватини бутун оламга ёйиш йўлида Ҳизб билан бирга ҳаракат қилсин.

Ҳизб бу босқичда омма халққа жамойй сувратда тушунтириш ишларини олиб боришга ўтди. Бу босқичда қуйидаги ишларни амалга оширди:

1. Халқларда шахсларга бериладиган тартибли шаклдаги сакофат. Бундан мақсад, Ҳизбнинг жисмини кучайтириш, аъзоларини кўпайтириш, даъватни олиб чиқишга қодир исломий шахсияларни вужудга келтириш ҳамда фикрий ва сиёсий курашнинг гирдобларига шўнғишдир.

2. Ҳизб табанний қилган Ислом фикрлари ва аҳкомлари билан бутун умматга жамойй сакофат бериш. Бу жамойй сакофат масжид дарслари, мажлислар, маърузалар, жамоат жойлари, газета-журналлар, китоб ва варақаларда тушунтириб борилади. Бундан мақсад, умматда умумий онгни юзага келтириш, умматга таъсир ўтказиш, уни Ислом билан қориштириш ва умматдан халқ таянчини вужудга келтиришдир. Токи Ҳизб умматни Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш сари етаклаш имкониятига эга бўлсин.

3. Куфрнинг эътиқод, тузум ва фикрларига қарши ҳамда чирик эътиқод, хато фикр ва чалкаш тушунчаларга қарши фикрий кураш. Бу кураш уларнинг сохталиги, хатолиги ва Исломга зидлигини тушунтириш орқали олиб борилади. Токи, уммат шу эътиқод, тузум, фикр ва тушунчалардан ҳамда уларнинг таъсиридан халос бўлсин.

4. Сиёсий кураш. Бу кураш қуйидаги ишларда намоён

бўлади:

а) Исломий юртларга ҳукмронлик қилаётган ёки уларга таъсири ўтган кофир, мустамлакачи давлатларга қарши кураш; мустамлакачиликнинг фикрий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий кўринишларининг барчасига қарши кураш; унинг режаларини очиб ташлаш ва тил бириктиришларини фош қилишларда намоён бўлади. Бундан мақсад, умматни мустамлакачиликнинг ҳукмронлигидан халос қилиш ва унинг ҳар қандай таъсиридан озод этишдир.

б) Араб юртларидаги, шунингдек исломий юртлардаги ҳокимлар умматнинг ҳуқуқларини оёқ ости қилган ёки уммат олдидаги ўз вазифаси ва бурчларини бажаришга совуққонлик билан қараган ёки умматнинг ишларидан бирортасига бепарволик қилган ёки Ислом аҳкомларига зид сиёсат юргизган пайтда уларга қарши чиқиш, нотўғри ишларини очиб ташлаш, уларни муҳосаба қилиш ва қаршилик кўрсатишларда намоён бўлади.

Шунингдек, уларнинг куфр қонун ва низомларини татбиқ қилишга асосланган бошқарувни йўқ қилиб, ўрнига Ислом бошқарувини барпо қилишга ҳаракат қилишда намоён бўлади.

5. Умматнинг манфаатларини белгилаб бериш ва унинг алоқа ва муносабатларини Шариат аҳкомлари асосида бошқариш.

• Ҳизб бу ишларнинг барчасини Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га Аллоҳ Таолонинг:

فَاَصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ

– „Ўзингизга буюрилган нарсани ошкор этинг.
Мушриклардан юз ўгиринг“, [15:94]

деган ояти нозил бўлганидан сўнг, юрган йўлларига эргашган ҳолда амалга оширди. Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ўзларига юборилган Исломни ошкор қилдилар. Қурайшни Сафога тўплаб, уларга Аллоҳнинг элчиси ва Пайғамбари эканликларини билдириб, иймон келтиришларини талаб қилдилар. Даъватни шахсларга таништирганлари каби, жамоатларга ҳам таништира бошладилар. Қурайшни ҳамда унинг илоҳлари, эътиқодлари ва фикрларини тилга олиб, уларнинг сохталиги, чириклиги ва хатолигини тушунтирдилар, айбладилар ва уларга ҳамда ўша даврда мавжуд бўлган барча эътиқод ва фикрларга қарши курашдилар. Оятлар Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га бирин-кетин нозил бўлиб шу эътиқод ва фикрларнинг чирик ва хатолигини баён қилар; рибонинг устидан кун кўриш, қиз болаларни тириклайин кўмиш, тарозу-ўлчовлардан уриб қолиш ва зино қилиш каби иллатларини қоралар; шунингдек Қурайш раҳбарлари ва бошлиқларини танқид қилар, уларнинг ва оталарининг аҳмоқ ва тентаклигини очиб ташлар, Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га, даъватларига ва асҳобларига қарши уюштираётган фитна ва ғаламисликларини фош этар эди.

- Ҳизб ўз фикрларини олиб чиқаётган, бошқа фикрлар ва сиёсий уюшмаларни тилга олаётган, кофир давлатларга қарши курашга кираётган ва ҳокимларнинг қилмишларини фош қилаётган пайтда ҳақиқатни очиқ-ойдин баён қилиш йўлини тутди. Хушомад ва тилёғламалик қилмади. Икки-юзламачилик қилиб, чиройли кўринишга уринмади. Оқибат ва вазиятлардан қатъи назар тинч ва осуда яшашни афзал кўрмади. Ислом ва унинг аҳкомларига зид бўлган

ҳар қандай фикрни баҳсга чорлади. Ҳизб бу ишларнинг оқибатида ҳокимларнинг қаттиқ озор ва қийноғига, сиёсий уюшмалар ва ҳар хил тарғибот вакилларининг, ҳаттоки баъзи пайтларда омма халқнинг ўч-интиқомига дучор бўлди.

Ҳизб бу ишларнинг барчасини Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га эргашган ҳолда амалга оширди. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) бутун оламга Ислом рисолатини, барчани фикрий баҳсга чорлаган ва ўзлари даъват қилаётган ҳақиқатга тўла ишочган ҳолда олиб келдилар. Урф-одатлар, кўр-кўрона тақлидлар, эътиқодларга, ҳокимлар ва оддий халққа ва Ислом рисолатидан бошқа бирор нарсага эътибор бермасдан куфрни ва бутун оламдаги куфр фикрларини фикрий баҳсга чорлар, барча одамларга қарши уруш эълон қилар эдилар. Даъватни Қурайшдан бошлаб, илоҳларини номма-ном тилга олар, уларнинг ҳеч нарсага қудрати етмайдиган жонсиз нарсалар эканини очиб ташлар эдилар. Қурайшни эътиқодлари юзасидан баҳсга чорлар, уларнинг аҳмақона эътиқодлар эканини фош қилар эдилар. Ҳолбуки, Расулуллоҳ ёлғиз бўлиб, Аллоҳ тарафидан юборилган Ислом рисолатига бўлган чуқур ишончидан бошқа на қуроли, на ҳарбий тайёргарлиги ва на ёрдамчиси бор эди.

- Ҳизб Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан ўрнак олган ҳолда ўз фаолиятида мақсади ва фикрларини очиқ-ойдин баён қилиш ва барчани фикрий баҳсга чорлаш йўлини тутган бўлса ҳам, лекин бу даврда фақат сиёсий ишларга чекланди. Ҳокимларга ёки даъватнинг олдини тўсаётган ёки озор бераётган кишиларга қарши моддий куч ишлатмади. Зеро,

Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) Маккада фақат даъватга чекланган, Мадинага ҳижрат қилгунига қадар моддий куч ишлатмаган эдилар. Иккинчи Ақаба байъатида қатнашган кишилар Минодагиларга қарши қиличлар, яъни қурол-аслаҳалар билан жанг қилишга рухсат сўраган пайтда Расулulloҳ: «Бу ишга ҳали буюрилмадик», дея жавоб бердилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва Таоло ушбу оятда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан аввалги Пайғамбарлар каби озору қийноқларга сабр қилишни талаб қилган эди. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِنْ قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا وَأُوذُوا
حَتَّىٰ أَتَاهُمْ نَصْرُنَا

– „Сиздан аввалги Пайғамбарлар ҳам ёлгончи деб тухматланган эдилар. То уларга бизнинг галабамиз келгунича ёлгончи деган тухматга ва озору қийноқларга сабр қилдилар". [6:34]

• Жамият ва уммат Ҳизбдан таъсирланмайдиган бўлиб қотиб қолган пайтда Ҳизб Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг сийратларини тўғри ва аниқ тушуниш мақсадида қайтадан ўрганиб чиқишга киришди. Бу ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келди:

1. Макка жамияти Абу Толиб вафот этган пайтда Расулulloҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)дан таъсирланмайдиган бўлиб қотиб қолган эди. Унинг вафотидан сўнг Қурайшнинг Расулulloҳга бераётган озори шунчалик кучайдики, Қурайш Абу Толибнинг тириклик пайтида бунчалик қийнашни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Расулulloҳнинг химоялари амакилари

Абу Толибнинг тириклик кунларидагига нисбатан сусайди. Шунинг учун, Аллоҳ Расулуллоҳга «Ўзингни араб қабилаларига таништириб, Аллоҳ тарафидан юборилган Рисолатни тинч, ҳимояланган ҳолатда етказишинг учун сени ўз ҳимояларига олиш ва ёрдам беришларини улардан сўрагин», дея ваҳй юборди. Ибн Касир «ас-Сийрат» китобида Алий ибн Абу Толибдан ушбу ривоятни келтирди: «Алий деди: «Аллоҳ Таоло Пайгамбарини араб қабилаларига ўзини таништиришга буюрган пайтда мен ва Абу Бакр Расулуллоҳ билан бирга Мино тарафига қараб йўл олдик. Ниҳоят арабларнинг манзилгоҳларидан бирига етиб бордик».

Шунингдек, Ибн Касир Ибн Аббосдан, у киши оталари Аббосдан ривоят қилади: «Аббос деди: «Расулуллоҳ менга айтдиларки: «Сизда ҳам, акангизда ҳам, мени ҳимоя қилишга қодирлик кўрмаяпман. Шунинг учун, эртага мени бозорга олиб чиқасизми? Қабилаларнинг манзилгоҳларига борсак». Манзилгоҳлар арабларнинг тўпланиш жойи эди. Аббос гапини давом эттириб шундай деди: «Айтдимки: «Бу Кинда қабиласи ва унинг чодирлари. Кинда ҳажга келган Яманликларнинг энг яхшиси. Бу Бакр ибн Воилнинг манзилгоҳлари. Бу эса Бани Омир ибн Саъсаъанинг манзилгоҳлари. (Булардан хоҳлаганигизни) танланг». Аббос деди: «Расулуллоҳ ўзларини таништиришни Киндадан бошлаб, уларнинг олдига бордилар».

2. Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ўзини таништирган бу қабилалардан пайгамбарлигига иймон келтиришларини ва тасдиқлашларини талаб қилганларидан сўнг Аллоҳ тарафидан юборилган Рисолатни етказгунига қадар уни ҳимоя қилишларини

талаб қилар эди. Расулуллоҳ ўзини қабилаларга таништириши ҳақидаги барча ҳадислар шуни англатадики, Расулуллоҳ бу қабилалардан ўзини ва даъватини ҳимоя қилишни талаб қилган эди.

3. Кинда ва Бану Омир ибн Саъсаъа қабиласи Пайғамбар ﷺ дан сўнг бошлиқлик иши ўз қўлида қолишини шарт қилгани, Пайғамбар ﷺ улардан ҳимоя ва ёрдам талаб қилишидан, бу қабилаларнинг орасида муайян давлат ва бошқарувни барпо қилишни кўзлаётганини бу қабилалар тушунганини англатади. Шунинг учун, улар Пайғамбар ﷺ га ёрдам берсалар, у зотдан кейин бошлиқлик ўз қўлларида қолишини талаб қилдилар.

4. Мадина аҳлининг Расулуллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)га ёрдам бергани, Расулуллоҳнинг Иккинчи Ақаба байъатида улар билан аҳдлашгани ва Мадинага етиб борган заҳотиёқ давлат барпо қилгани, Расулуллоҳ ҳимоя ва ёрдам талаб қилишдан Ислому аҳкомларини татбиқ қилиш учун исломий давлатни барпо қилишни кўзлаганига очиқ далил бўлади.

5. Ҳизб бу ўрганишдан шу хулосага келдики, ёрдам излаш (талабун-нусра) биринчи босқичдаги тарбиялашдан ҳам, иккинчи босқичдаги умматга таъсир ўтказишдан ҳам ўзга иш экан, гарчи ёрдам излашга умматга таъсир ўтказиш босқичи бўлган иккинчи босқичда киришилса ҳам. Ҳамда ёрдам излаш жамият даъватни олиб чиқувчи кишилардан таъсирланмасдан қотиб қолган ва уларга озору қийноқлар кучайган пайтда эргашилиши вожиб бўлган тариқатнинг бир бўлаги бўлса ҳам.

Шунинг учун, Ҳизб ўзи амалга ошираётган ишларнинг сафига ёрдам излашни ҳам киритди ва ёрдам беришга қодир кишилардан ёрдам излай бошлади. У ушбу икки

мақсадда:

Биринчиси: Ҳизб даъватни кўтариб чиқаётганида хавф-хатарсиз фаолият кўрсатиши учун ҳимоя исташ мақсадида:

Иккинчиси: Ҳизб Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар асосида бошқаришни ҳаёт майдониға, давлат ишларига ва жамиятга қайтариш учун ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида ёрдам беришга қодир кишилардан ёрдам излади.

- Ҳизб ёрдам излашга оид ишларни амалга ошираётган пайтда ҳам аввалги ишларининг барчасини давом эттирди: Ҳалқалардаги тартибли шаклда ўрганиш, жамойй сувратдаги тарбиялаш, умматнинг зиммасига Исломи юклаш ва унда афкори оммани пайдо қилиш мақсадида бутун эътиборини умматга қаратиш, кофир мустамлакачи давлатларга қарши курашиш, уларнинг режаларини очиб ташлаш, тил бириктиришларини ва умматнинг зарарига тузилаётган ёмон ниятдаги битимларини фош қилиш, ҳокимларга қарши курашиш (ногўғри ишларини очиб ташлаш), умматнинг умумий манфаатларини белгилаб бериш ҳамда унинг алоқа ва муносабатларини бошқариш каби ишларини давом эттирди. Ҳизб бу ишларни Аллоҳ уни ва Исломи умматини ғалаба, нусрат ва зафарга муваффақ қилишидан умидвор бўлган ҳолда давом эттирмоқда. Аллоҳ Исломи Умматини ғалаба, нусрат ва зафарга муваффақ қилган вақтда мўъминлар бундан хурсанд бўлурлар.

Аллоҳ Таолонинг бизга ва барча инсонларга ёғилган фазли карамидан бири шуки, умматда Исломи ҳақида афкори омма юзага келди. Исломи умматнинг халос бўлиш орзусига айланди. Илгари тилга олинмайдиган Халифалик

давлати барчанинг тилида такрорланмоқда. Халифаликни тиклаб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш барча мусулмонларнинг ишончига айланди.

Аллоҳ қадамларимизни тўғри йўл сари йўналтиришини, Ўз мадади билан ёрдам беришини, фаришталари ва ихлосли мўъминлар билан қувватлантиришини, катта ва буюқ ғалабаси билан мукофотлашини, Халифаликни тиклаб, халифа сайлашга муваффақ қилишини Аллоҳдан сўраймиз. Бу Халифа бизнинг орамизда Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннати асосида ҳукм юритиши, барча мусулмон юртлардаги куфр қонунларини йўқ қилиши, мусулмонларни Халифалик байроғи остига жамлаши ва мусулмон юртларни Халифалик давлатига бирлаштириши шарти билан унга итоат этиш ва кулоқ солишга байъат берамиз.

Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишга қодир зот.

Охирги дуомиз: Оламларнинг Парвардигори бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

